

САМАРКАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

МАВЗУ: ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

REFERAT

*Бажарди: 2- курс талабаси Мухаммадиева Ш.
Текширди: Ф.Ҳ.Набиев*

Самарканд 2014 й



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ




**«Мамлакатимизда демократик
ислохотларни янада чуқурлаштириш
ва фуқаролик жамиятини ривожлан-
тириш концепцияси»**

Фуқаролик жамияти институтла-
рининг давлат ва ҳокимият тузил-
малари фаолияти устидан таъсир-
чан жамоатчилик назоратини
амалга оширишдаги роли жамия-
тимизда тобора ортиб бормоқда.
Бугунги кунда жамоатчилик ва
фуқаролик назорати институти
жамиятнинг давлат билан ўзаро
самарали алоқасини таъминлаш,
одамларнинг кайфиятини, мамла-
катда кечаётган ўзгаришларга му-
носабатини аниқлашнинг муҳим
воситаларидан бирига айланмоқда.

Мамлакатни модернизациялаш концепцияси структураси

Мамлакатни модернизациялаш



```
graph TD; A[Мамлакатни модернизациялаш] --> B[Давлатни демократлаштириш]; A --> C[Жамиятни либераллаштириш]; B --> D["• Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш  
• Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш  
• Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш"]; C --> E["• Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш  
• Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш  
• Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш"]; D --> F[Адолатли ижтимоий тартибни барқарорлаштириш]; E --> F;
```

Давлатни демократлаштириш

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш
- Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш
- Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

Жамиятни либераллаштириш

- Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш
- Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш
- Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш


Адолатли ижтимоий тартибни барқарорлаштириш



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ

Жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратдир.


Назорат тизими структураси





ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ СУБЪЕКТИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИ
ҲИСОБЛАНАДИ







Фуқаролик жамияти институтлари —

ўзини ўзи бошқариш органлари, партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари (ННТ) — фуқаролик жамиятининг негизини шакллантириб, унинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.


Бундай ташкилотлар, ўз моҳияти жиҳатидан жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий ўзлигини англаши, сиёсий маданияти ва юксак маънавияти шаклланишига, уларда ўз кадр-қимматини ҳис этиш туйғуси, мустақил фикрлаш, ўз имкониятларини намоён қилиш ва ўз келажагини ўз қўллари билан барпо этиш истаклари ортишига хизмат қилишга йўналтирилган.




**Жамоатчилик назоратининг мазмун ва
моҳиятини қўйидаги йўналишлар асосида
тавсифлаш мумкин:**




**Ҳокимият органлари фаолиятининг доимий
тизимли мониторингини олиб бориш. Бу шакл
асосан ўтиш даврида бўлган ва ижтимоий-сиёсий
тузум ўзгараётган давлатларга хос бўлади**



**Ҳокимият органлари фаолиятига оид манзилли
мониторинг олиб бориш. Масалан, экологик
жамоат ташкилотларини давлат ҳокимияти
органларининг экология соҳасидаги сиёсатини
назорат қилиши**



**Ижтимоий муҳим бўлган қарорларни қабул
қилишда жамоатчиликнинг иштироки**



**Ҳокимият органлари ҳузурида назорат
комиссияларининг, жамоатчилик
кенгашларининг ташкил этилиши**



Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини амалга оширишда энг фаол субъект сифатида майдонга чиқиши лозим. Ҳозирда мамлакатимизда 1200 тадан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Айниқса, уларнинг нодавлат секторига тегишли қисми жамоатчилик назоратини амалга оширишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, сўнгги вақтларда оммавий ахборот воситалари орқали давлат ва назорат органлари фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонларни рўй-рост эълон қилиш, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид муаммоларни таҳлилий ёритишга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришлар, шунингдек, мақола ва очерклар сони ортиб бормоқда.



Маҳалла. Мамлакатимизда ҳозирги кунда 10000 га яқин ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар фаолият олиб бормокда. Маҳалла жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. У ердаги ҳар бир ҳаракат, ҳар бир қилмиш халқнинг, жамоанинг назоратидадир.

Маҳалла оқсоқоллари ўз ҳудудида мавжуд муаммоларни бошқаларга нисбатан яхши тушунади ва уни бартараф этишга нисбатан ўзини масъул деб билади. Ҳар бир давлат ташкилоти маҳалла билан ҳамкорлик қилишга, уларнинг ёрдамига таянишга мажбурлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмокда.



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ

- жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.



Жамоатчилик назорати натижаларининг расмийлаштириш тартиби:

- 1. Кузатув баённомаси юритиш орқали**
- 2. Фотосуратга олиш орқали**
- 3. Видео ёзувга тушириш орқали**
- 4. Аудио ёзувга тушириш орқали**
- 5. Далолатнома тузиш орқали**
- 6. Ахборотнома тақдим этиш орқали**
- 7. Хабарнома юбориш орқали**
- 8. Даъво аризасини ёзиш орқали**



Жамоатчилик назорати натижаларининг амалга татбиқ этиш шакллари:

- 1. Жамоатчилик назорати натижалари бўйича муҳокамалар ташкил этиш орқали**
- 2. Жамоат эшитувини ташкил этиш орқали**
- 3. Оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этиш орқали**
- 4. Давлат органлари ва мансабдор шахсларга хабар бериш орқали**
- 5. Давлат органларига тақдимномалар киритиш орқали**
- 6. Сенат аъзосига ёки Қонунчилик палатаси депутатига Парламент ёки депутатлик назоратини амалга оширишни сўраб мурожаат қилиш орқали**
- 7. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуқ бузилганлиги ҳақида маълумот тақдим этиш орқали**
- 8. Судга ёки юқори турувчи органга ўз ходимини жавобгарликка тортиш ёки ҳуқуқни тиклаш бўйича маълумот тақдим этиш орқали**



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Жамоатчилик
назоратини
амалга
ошириш
объекти
белгилаб
олинади



У ҳақида
тегишли
органга хабар
беради ва
амалга
оширилади



Жамоатчилик
назорати
расмийлаш-
тирилади.
Унинг
натижалари
амалга татбиқ
этилади

Эътиборингиз учун раҳмат!

